

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Х.МУХАММЕДОВА</b>	
Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>К.КАРИМОВ</b>	
Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
<b>У.НОСИРОВА</b>	
Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари .....	80
<b>Н.АХМАДЖОНОВ</b>	
Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир .....	83
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА</b>	
Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари .....	86
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА</b>	
Кoeffициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала .....	89
<b>Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА</b>	
Векуа-Эрдей-Лоундес типдаги янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
<b>Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ</b>	
Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
<b>А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ</b>	
Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар .....	97
<b>У.НАЗИРОВ</b>	
Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
<b>А.КОСИМОВ</b>	
XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	
Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги .....	105
<b>А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА</b>	
Концептнинг тоифалари.....	108
<b>К.ХОДЖАХАНОВА</b>	
Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
<b>Б.ҚУРБОНОВА</b>	
Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
<b>Н.МЕРГАНОВА</b>	
Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
<b>Э.ДЖАББАРОВА</b>	
Модуляр таълим инновацион таълим сифатида .....	118
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ</b>	
Ўзлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари .....	121
<b>АДАБИЙ ТАҚВИМ</b>	
<b>Ибратли ҳаёт йўли.....</b>	124
<b>ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
<b>Библиография.....</b>	127

УДК: 370

## ТАЛАБАЛАР ОНГИДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Т.Эгамбердиева, Д.Охунова

### Аннотация

Мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг компетентлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг муваффақиятли фаолият олиб боришлари учун касбий компетентликка эга бўлишлари ҳақидаги масала баён этилган.

### Аннотация

В статье изложены вопросы развития компетенции у будущих учителей, а также овладения ими профессиональной компетенцией для ведения успешной деятельности.

### Annotation

In the article the problems of development of the competence of the future teachers and also mastering by the professional competence for conducting successful activity are stated.

**Таянч сўз ва иборалар:** компетенция, ривожланиш, бўлажак ўқитувчилар, касбий маҳорат, педагогик шакллантириш.

**Ключевые слова и выражения:** компетенция, развитие, будущие учителя, педагогическая деятельность, формирование.

**Keywords and expressions:** competence, development, future teachers, professional skill, pedagogical activity, formation.

Барча давр ва жамиятлар учун инсон, унинг ахлоқи, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, кишиларга муносабати, моддий эҳтиёжи, ички маънавий дунёси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳаминша долзарб муаммо бўлиб келган.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари – озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини ҳимоялаш, зурриёт қолдириш кабилардан иборатдир. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзини англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура, гўзаллик, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш – онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотга хос, маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одам зотигагина хос фазилатдир.

Инсоннинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда

қондиришида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, моддий ва маънавий оламни уйғунлаштиришга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон юксак маънавияти туфайлигина ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қондириш имконига эга бўлади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Кўриниб турибдики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради.

Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади”.

Талабаларга моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини доимий равишда ўргатиб бориш бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.

Т.Эгамбердиева – ФарДУ, педагогика фанлари доктори, профессор.  
Д.Охунова - ФарДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли уюшмалар) муҳим ўрин тутди. Жамиятни бошқаришнинг сиёсий – ҳуқуқий жиҳатлари муҳимдир. Кишилар томонидан сиёсий ва ҳуқуқий билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши жамиятнинг барқарор яшаши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ривожини, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилишида меҳнат, мулк ва меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши беқиёс аҳамиятга эга. Меҳнатни кишиларнинг қобилиятига қараб ижтимоий тақсимланиши натижасида муайян касб-кор билан шуғулланадиган тоифалар, гуруҳ, қатлам ва синфлар вужудга келади ва улар жамият структурасида ўзига хос ўрин эгаллайди, жамият тараққиётига муайян ҳисса қўшади.

Талабаларда таркиб топтириладиган ижобий муносабатларни қуйидагича тизимлаштириб, муносабатлар иерархияси ҳосил қилинди:

1. Талабаларнинг Ватанга бўлган муносабатлари: туғилиб ўсган юртига бўлган ижобий муносабати; табиатига бўлган тўғри муносабати; Ватан тараққиёти босқичларига бўлган муносабати; халқига бўлган муносабати; она тилига бўлган муносабати; турмуш тарзига бўлган муносабати; маданиятига бўлган муносабати; қадриятларга бўлган муносабати ва шу кабилар.

2. Талабаларнинг оилага бўлган муносабатлари: ота-онага бўлган муносабати; ака-укага бўлган муносабати; эр-хотиннинг ўзаро муносабати; фарзандга муносабати; талабаларда қариндошларга бўлган муносабати; оилавий урф-одатлар ва анъаналарга бўлган муносабати; оилавий қадриятларга муносабати ва шу кабилар.

3. Талабанинг жамиятга бўлган муносабатлари: ишлаб чиқаришга муносабат; оилавий муносабатлар; сиёсий муносабатлар; ҳуқуқий муносабатлар; ахлоқий муносабатлар; диний муносабатлар; эстетик муносабатлар ва ҳоказо.

4. Талабаларнинг ўқув масканига бўлган муносабатлари; ўтиладиган фанларга муносабати; амалдаги ўқув режасига

муносабати; дарс сифатига муносабати; ўқитувчи шахсига муносабати; мараббийга муносабати; «Устоз-шогирд» тизимига муносабати ва ҳоказо.

5. Талабаларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари: биргалиқда дарс фаолиятига муносабати; ўз муваффақиятларини ўртоқлари билан баҳам кўриши; ўз гуруҳдошларига содиқ қолиши; ижтимоий фойдали ва онгли меҳнатга муносабати; иқтидори бўйича гуруҳда ўз ўрнига эга бўлишга интилиши; ўртоқларига меҳр-оқибат кўрсатиши; сўзида тура билиши; тенгдошларининг хато-камчиликларини тузатиши ва шу кабилар.

Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантиришда миллий мафкура муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда таълим муассасаларида таълим олаётган талаба ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаб, мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан қуроллантиришга муҳим педагогик жараён сифатида қаралмоқда. Бунда нафақат ижтимоий-сиёсий, махсус фанлар, балки педагогика туркумидаги фанларнинг ҳам имкониятлари катта. Мазкур фанларро боғлиқлик талабаларни маънавий шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия ўртасидаги узвий алоқанинг ўрнатилишига эришиш, ҳамда маънавий-мафкуравий тарбия самарадорлигини таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

Талабаларнинг моддий ҳаёти бевосита уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқдир. Талабаларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш ҳар доим ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришнинг долзарб мақсад ва вазифаси бўлиб келган. Бунинг учун уларга қуйидагиларни тавсия этамиз: меҳнат фаолиятига тайёргарлик меъёрларини; меҳнатга тайёрлаш элементлари (сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш; меҳнат мазмунининг ўзгариши; касб-ҳунарга йўллаш; меҳнат натижаларини кўпайтириш иродавий зўр бериб, ақлни ишлатиб меҳнат қилиш, меҳнатда намуна кўрсатиш) мазмунан ўзгариши, шахсни жадал меҳнат қилишга бозор иқтисодиёти, рақобат шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш; меҳнат натижасини олдиндан кўра билиш; ташаббус, ғайрат билан меҳнат қила олиш; иш жойи учун курашиш, меҳнат интизомига риоя этиш, тадбиркорлик ва

ишбилармонлик кўникмаларини таркиб топтириш.

Талабаларни моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари асосида тарбиялашда қуйидаги талабларга амал қилиш лозим:

– талабаларда миллий ғурур кўникмаларини шакллантиришда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари мазмун-моҳиятини ёритиб бериш;

– талабаларнинг моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари асосида иқтисодий саводхонлигини иқтисодий маданиятлилик даражасини ошириш;

– талабалар моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари асосида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш андазасисини ишлаб чиқиш;

– талабаларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари асосида тарбиялашнинг мезонларини ишлаб чиқиш;

– талабаларни моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари асосида тарбиялаш ишлари тизимли амалга оширилса, самарали натижа беради.

Талабаларни моддий ва маънавий бойликларни асраб авайлашга, уларда моддий ҳаётнинг маънавий асосларини билиш кўникмаларини доимий равишда шакллантириб, ривожлантириб бормоқ лозим. Бунинг учун ҳар бир машғулот, маънавият соатлари, маънавият кунлари, талабаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этмоқ керак. Талабаларни моддий ҳаётни тўғри ташкил эта олишлари учун қуйидагиларга одатланишга ўргатиш зарур:

– талабаларни тежамкорликка ўргатиш;

– сарф-харажатларни тежаш;

– маҳсулотлардан оқилона фойдаланиш;

– умумий даромадни тўғри режалаштириш;

– сифатли маҳсулот харид қилишга эътибор қаратиш;

– уст-бош, пойафзалларни эҳтиёт қилиб кийиш, тоза-озода сақлаш;

– керакли ва кераксиз харидларни ажрата олиш;

– озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилмаслик;

– рўзғор буюмларини асраб-авайлаш;

– харид қилинган маҳсулотларни сақлашга эътибор қаратиши ва ҳ.к.

Талабаларда маънавий ҳаётни англаш ва билиш, асраб-авайлаш кўникмаларини шакллантириш учун уларни қуйидагиларга ўргатиш зарур:

– маънавий бойликларни моддий бойликлардан ажрата олиш;

– ўзининг ва бошқаларнинг маънавий онг маҳсулини ҳурмат қилишга одатланиш;

– маънавий жиҳатдан “бой” бўлишга интилиш;

– маънавий дунёсини кенгайтириш учун кўпроқ китоб ўқиш, яхши билим эгаллаш кераклигини билиш ва унга интилиш.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантиришда янгича маънавий-ахлоқий тажрибаларни таркиб топтириш; миллий ва умумбашарий қадриятларни таркиб топтиришда ўзаро мутаносибликни вужудга келтириш; мамлакатимизда таркиб топаётган демократик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда шахс эркинлиги, масъулият, ташаббускорлигини тарбиялаш; миллий қадриятларни намуна қилиб кўрсатиш; ёшлар ўртасида ўзи бўларчилик, итоатгўйлик, боқимандалик, гиёҳвандлик, ичкиликбозликка интилиш каби салбий ахлоқий тажрибаларни эгаллаб олишларининг олдини олиш; табиатга, меҳнат хомашёларига нисбатан тежамкор бўлиш, тадбиркорлик фаолияти муносабатларини шакллантириш; табиий бойликлар ва моддий неъматларни кўз қорачиғидек авайлаб – асраш ва улардан унумли фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008 й.
2. Аъзамов Қ., Жумаев Ш. Маънавият ва маърифат иши. – Т.: 2006.
3. Лафасов М. ва бошқалар. Мустақиллик ва маънавий-тарбиявий ишлар. – Т.: “Молия ва иқтисод”, 2008.